

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 27.06.2017. Ped. 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАРИМОВ АБДУЖАМИН АБДУДЖАЛИЛОВИЧ**

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ  
АСОСИДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ  
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
(Ер усти транспорт тизимлари ва улардан фойдаланиш (транспорт турлари бўйича)  
тайёрлов йўналиши мисолида)

**13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (Phd) по  
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (Phd) on  
pedagogical sciences**

**Каримов Абдужамин Абдуджалилович**

Касб-хунар таълимида компетенциявий ёндашув асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш методикасини такомиллаштириш (Ер усти транспорт тизимлари ва улардан фойдаланиш (транспорт турлари бўйича) тайёрлов йўналиши мисолида)..... 3

**Каримов Абдужамин Абдуджалилович**

Совершенствование методики подготовки конкурентоспособных кадров на основе компетентностного подхода в профессиональном образовании (На примере подготовки по направлению системы наземного транспорта и их использование (по видам транспорта))..... 23

**Karimov Abdujamin Abdudjalilovich**

Improving the methodology of training competitive personnel on the basis of competence based approach to vocational education (As an example of the preparation of land transport systems and their use (by mode of transport))..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications..... 49

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 27.06.2017. Ped. 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАРИМОВ АБДУЖАМИН АБДУДЖАЛИЛОВИЧ**

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ  
АСОСИДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ  
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
(Ер усти транспорт тизимлари ва улардан фойдаланиш (транспорт турлари бўйича)  
тайёрлов йўналиши мисолида)

**13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида амалга оширилаётган чуқур иқтисодий-ижтимоий ислохотлар, иқтисодиётнинг инновацион йўналишда ривожланиши, халқаро меҳнат бозорини глобаллашуви касб-ҳунар таълими тизимида замонавий меҳнат бозори талабларига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлашда таълим сифатини ошириш, ўқув жараёнига компетенциявий ёндашувни ҳамда таълимнинг замонавий шакллари ва усуллари жорий этиш вазифасини кўяди. Хусусан, Manchesters University (Англия), National Advice on Pedagogical Technology (Англия), Belfield Pedagogical University (Германия) каби нуфузли илмий тадқиқот марказларида компетенциявий ёндашув асосида сифатли таълим муҳитини яратиш бўйича амалий натижаларга эришилган. Бу эса, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда инновацион таълим методларини ўзлаштириш ва касбий компетентликни ривожлантирувчи педагогик жараёнларни интенсив такомиллаштириб боришини тақозо этади.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида бўлажак кадрларининг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлашда таълим муассасалари билан иш берувчилар эҳтиёжларини ўрганиш, меҳнат бозоридаги вазиятни таҳлил қилиш орқали сифатли таълимни ташкил этиш, компетенцияларини ривожлантириш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш механизмларини амалга оширишнинг педагогик имкониятларини интенсив кенгайтириб бориш каби йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда таълим муассасаларида ўқитиш сифатини ошириш, компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартларини жорий этиш, ўқитишнинг ахборот ва инновацион технологияларини интеграциялаш натижасида таълимнинг замонавий шакллари ва воситаларини жорий этишга оид илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда етарли даражада касбий тайёргарликни таъминловчи касбий, амалий таълим бериш методикасини такомиллаштиришни тақозо этади.

Республикамизда касб-ҳунар таълими тизимини модернизациялашнинг ҳозирги босқичи таълим сифати ва мазмунига, унинг самарадорлигини оширишга янги талаблар қўймоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан, касб-ҳунар коллежларида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш ҳамда инновацион таълим методларини жорий этишнинг педагогик шарт-шароитларини таъминлаш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2017. – Б.39.

кўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Касб таълими муаммолари, бўлажак мутахассисларни касбга йўналтириш, касбий фаолиятга тайёрлаш, касбга ўргатиш, уларда шахсий ва касбий сифатларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг долзарб масалалари мамлакатимиз олимлари, жумладан, Р.Ҳ.Джураев, Ш.Э.Қурбонов, У.И.Иноятов, А.Р.Ходжабаев, З.К.Исмаилова, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, О.Т.Тўракулов, Ж.А.Ҳамидов, Д.О.Ҳимматалиев, О.А.Қўйсиновнинг<sup>2</sup> ишларида ёритиб берилган.

Шахсни ривожлантириш ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш муаммолари бўйича Р.Ҳ.Джураев, О.А.Абдуқудусов, М.С.Алимов, С.Я.Батишев, Л.В.Голиш, Х.Ф.Рашидов, С.Ю.Махмудов, А.А.Юлдашев ва бошқалар, хорижий давлатларда Р.Я.Ахметшин, Е.Д.Безниско, М.А.Виноградова, А.А.Герниченко<sup>3</sup> каби олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари В.А.Адольф, А.С.Белкин, И.В.Гришина, А.А.Деркач, Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, Н.В.Кузьмина, А.С.Маркова, А.В.Хуторскийлар ишларида таълимда компетенциявий ёндашувни қўллаш масалалари ўрганилган.

Касб-хунар таълимида касбий компетентликни шакллантириш, ривожлантириш ва диагностика қилиш масалалари Н.А.Муслимов,

---

<sup>2</sup> Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дисс. ... док. пед. наук. – Т.: УзНИИПН им Т.Н. Кары-Ниязова, 1995. - 43с; Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий методик асослари. Дисс. ... пед. фан. докт. – Т.: 2007. – 315 б; Ҳамидов Ж.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси: Дисс....пед. фан. док. (DSc). –Т.: 2017; Қўйсинов О.А., Муслимов Н.А. ва б. Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. Монография. Т.: «Фан ва технологиялар» 2013. – 128 б.

<sup>3</sup> Виноградова М.В. Компетентностно-ориентированная технология подготовки конкурентноспособных специалистов экономического профиля в сельскохозяйственном вузе. Дисс. ... канд. пед. наук. – Тюмень, 2011. – 227 с.; Герниченко А.А. Подготовка конкурентноспособных выпускников среднего профессионального образования для энергетики. Дисс. ... канд. пед. наук. – Новокоснец, 2016. – 212 с.

Ш.С.Шарипов, М.Б.Уразова, Д.О.Ҳимматалиев, О.А.Қўйсинов, Н.Н.Каримова, Ё.Р.Нажмиддинова<sup>4</sup> ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Олиб борилган изланишлар ва таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш жоизки касб-хунар коллежларида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда компетенциявий ёндашувни қўллаш, касб-хунар коллежи ўқувчисининг эгаллаши керак бўлган компетентликлари мазмунини белгилаш, зарурий компетентликларни шакллантиришнинг педагогик ва дидактик шарт-шароитларини аниқлаш муаммоларига кам эътибор қаратилган, бу эса мазкур муаммони тадқиқ этиш заруратини тақозо этади. Илмий-техник тараққиёт талаблардан келиб чиққан ҳолда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш методикасини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари, тамойиллари, педагогик шарт-шароитларини аниқлаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнини компетентли ёндашув асосида такомиллаштириш, инновацион таълим методлари ва замонавий машғулот шакллари тадбиқ этиш орқали педагогик жараён тузилмасини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурияти тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ф1-ОТ-0-90467-рақамли “Касб-хунар коллежларида касбларни меҳнат бозори эҳтиёжига мослигини таъминлаш механизминини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот ҳамда ПЗ-20170927124-рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** касб-хунар коллежларида компетенциявий ёндашув асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тадқиқот мавзусига оид илмий-назарий манбаларни таҳлил этиш асосида “рақобат”, “рақобатбардошлик”, “рақобатбардош мутахассис”, “рақобатбардош кадр” каби иқтисодий атамалар мазмунини педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилиш орқали очиб бериш;

рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг мазмун-моҳияти, муаммоларини ўрганиш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни ва касбий компетентликни шакллантиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини аниқлаш;

компетенциявий ёндашув асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш моделини такомиллаштириш;

---

<sup>4</sup> Қўйсинов О.А., Шарипов Ш.С., Муслимов Н.А. Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим интеграцияси. Касб таълим методикаси методик қўлланма. ТДПУ.Тошкент 2006 йил. 3,2 б.т.; Каримова Н.Н. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш. Педагогика фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Т.: 2018.-48 б.; Уразова М.Б. Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш. пед. фан. докт. дисс.... автореф. – Т.: 2015.;

инновацион ва ахборот технологияларидан интегратив фойдаланиб ўқитишнинг дидактик имкониятлари ҳамда ишлаб чиқариш амалиётини бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантиришдаги ўрнини аниқлаш, ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишда инновацион методларини қўллаш методикасини такомиллаштириш;

бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини аниқлашнинг кўп босқичли усулларини ишлаб чиқиш ҳамда касбий компетентлик даражасини аниқлаш мезонларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** касб-хунар коллежлари ўқувчиларини компетенциявий ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлаш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** касб-хунар коллежларида компетенциявий ёндашув асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда мавзуга оид илмий манбалар, дидактик материаллар, ДТС, ўқув режа ва дастурлари, ўқув-меъёрий хужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; суҳбат, кузатиш, анкета, тест, лойиҳалаш, моделлаштириш, педагогик тажриба-синов; ўз-ўзини баҳолаш, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар бўлажак мутахассисларнинг технологик жараёнларни бажариш, билимларни амалиётда қўллаш, замонавий технологияларни қўллаш, жамоада ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш компетентлигини ошириш асосида такомиллаштирилган;

касбий фанларни ўқитишнинг дидактик имкониятлари ҳамда аудитория ва ишлаб чиқариш таълими муҳитида машғулотларни ташкил этишнинг инновацион шакллари (замонавий маъруза, видео машғулотлар, сюжетли-ролли) ишлаб чиқариш муҳитининг динамик ўзгарувчан талаблари асосида такомиллаштирилган;

ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида касбий ва амалий топшириқларни бажариш босқичларини (тизимли таҳлил, мантиқий таҳлил) оптималлаштириш методикаси “Story Telling”, “Basket”, “Shadowing” интерфаол таълим методлари асосида ишлаб чиқилган;

бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини ривожланганлик даражаларини ташҳислаш компонентлари (репродуктив, продуктив, қисман-изланишли, креатив топшириқлар) ва мустақил таълимга йўналганликни баҳолаш функциялари касбий йўналтирилганлик тамойиллари асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

умумкасбий ва махсус фанлар бўйича инновацион таълим технологиялар асосида дарс ишланмалари, ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш методикаси ва мураккаблик даражасига қараб табақаланувчи тестлар ва



амалий ҳамда муаммоли топшириқлар тизими ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

компетенциявий ёндашув асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш модели такомиллаштирилган ва уни касб-хунар таълимида жорий этишнинг алгоритмик харитаси ишлаб чиқилган;

компетенциявий ёндашув асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда ўқувчиларни мустақил ва танқидий фикрлашга, ўз-ўзини такомиллаштиришга, касбий компетентликни ривожлантиришга имкон берувчи таълим технологияларини, махсус фанлар бўйича дарс ишланмаларини ўз ичига олган “Касб-хунар коллежларида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш методикаси” ўқув-услубий қўлланма ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:** тадқиқот натижаларининг ишончлилиги компетентли ёндашув, рақобатбардош кадр тайёрлаш мазмуни, методлари, шакллари ва воситалари, уни баҳолаш мезонлари, касбий компетентлик даражалари ҳамда назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги, тизимли дидактик таъминоти, натижаларнинг математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти касб-хунар коллежларида компетенциявий ёндашув асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш моделини касб-хунар таълимида тадбиқ этишнинг алгоритмик харитаси ҳамда уни жорий этиш методикасининг ишлаб чиқилганлиги, назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги, баҳолаш усуллари, мезонлари такомиллаштирилганлиги, тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминловчи илмий ёндашувларнинг илгари сурилгани, касб-хунар коллежларида компетенциявий ёндашув асосида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, умумкасбий ва махсус фанларни ҳамда ишлаб чиқариш таълими жараёнини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш бўйича илмий-методик тавсия ва ишланмаларни ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти касб-хунар коллежларида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш методикасини такомиллаштиришда умумкасбий ва махсус фанларни ўқитишнинг шакл, метод ва воситалари, ишлаб чиқариш амалиётларида касбий компетентликни шакллантиришга қаратилган касбий ва амалий топшириқлар тизими, инновацион таълим шакллари ва методлари, ўқувчиларни касбий компетентлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган амалий ишланма ва методик тавсиялар ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда ахборот ва инновацион таълим технологияларини интеграциялаш орқали таълимнинг янги шакл, методларини қўллашнинг дидактик имкониятларини ошириш ва касб-хунар коллежларида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш методикасини ўқув-услубий таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Касб-хунар таълимида компетенциявий ёндашув асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш методикасини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

касб-хунар коллежи битирувчисининг касбий компетентлигини таснифлаш, ташхислаш ва ташкилий-педагогик шарт-шароитлари ҳамда дидактик имкониятларини мувофиқлаштириш асосида рақобатбардош кадр модели мазмунини аниқлашга оид таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарорининг 5-илоvasи мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 24 августдаги 89-03-3172-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар коллеж ўқувчиларининг компетенциялари мазмунини аниқлашга ва шакллантиришга хизмат қилган;

рақобатбардош кадрлар тайёрлашда касбий фанларни ўқитишнинг дидактик имкониятлари ҳамда аудитория ва ишлаб чиқариш таълими муҳитида машғулотларни ташкил этишнинг инновацион шакллари (замонавий маъруза, видео машғулотлар, сюжетли-ролли) ишлаб чиқишга доир таклифлари Ф1-ОТ-0-90467-рақамли “Касб-хунар коллежларида касбларни меҳнат бозори эҳтиёжига мослигини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 24 августдаги 89-03-3172-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган касбий фанларни ўқитиш методикаси ўқувчиларни касбий компетентлигини такомиллашувига хизмат қилган;

умумкасбий ва махсус фанларни инновацион ва ахборот технологияларидан интегратив фойдаланиб ўқитиш, ишлаб чиқариш амалиётини “Story Telling”, “Basket”, “Shadowing” интерфаол таълим методлари асосида ташкил этишга оид ишланмалар ва таълим технологиялари “Касб-хунар таълимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш методикаси” услубий таъминоти мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 24 августдаги 89-03-3172-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган илмий-услубий таъминот касб-хунар коллежларида рақобатбардош кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, 1 ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижалар ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалда жорий этилиши ҳолати, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ишининг **“Касб-хунар таълимида компетенциявий ёндашув асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида мамлакатимизда касб-хунар таълимда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар ва педагогик адабиётлар таҳлили, шунингдек “рақобат”, “рақобатбардошлик”, “рақобатбардош мутахассис”, “рақобатбардош кадр” тушунчаларининг педагогик нуқтаи назардан мазмуни, “мутахассис рақобатбардошлиги”ни таъминловчи омиллар, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда компетенциявий ёндашув масалалари, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари, таълим муассасасининг рақобатбардош кадрлар тайёрлаш стратегияси, бўлажак мутахассиснинг эгаллаши керак бўлган компетентликлари мазмуни ёритиб берилган.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтиши таълим тизимида мавжуд горизонтал ва вертикал муносабатларни тубдан ўзгаришига олиб келди. Таълим соҳасининг иқтисодиёт билан интеграциялашуви асосида бозор муносабатларини жорий этишнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тасвирловчи “рақобат”, “рақобатбардошлик”, “рақобатбардош мутахассис”, “рақобатбардош кадр”, “таълим хизмати”, “таълим хизмати бозори”, “истеъмолчи”, “мижоз” каби иқтисодий атамалар пайдо бўлди. Тадқиқот давомида ушбу атамалар мазмун ва маъно жиҳатдан таҳлил қилиниб, рақобатбардош кадр, рақобатбардош мутахассис атамаларига қуйидагича таъриф берилди: рақобатбардош кадр – аниқ бир касбий соҳа бўйича зарурий компетенцияларни эгаллаган, рақобатбардош бозор механизмларига мос келувчи сифатларга эга, касбий вазифаларни бажаришда ижодий ёндаша оладиган, билимларини доимий такомиллаштириб боровчи, янгиликка интилувчи, мулоқотлар олиб бориш, мулоқотга киришувчанлик маҳоратига эга шахс.

Рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг асосий механизми ўқитиш сифати ва таълим хизматлари сифатига боғлиқ. Истеъмолчига (таълим олувчига)

кўрсатилган сифатли таълим хизматигина унинг ижобий ўрнини шакллантиради. Инновацион ривожланиш йўлига ўтишда зарур аҳамиятга эга омил фақат техник ғояларни ишлаб чиқиш эмас, балки ички ва ташқи бозорларга харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, уни амалга ошириш учун юқори малакали, рақобатбардош кадрларни таълим муассасаларида сифатли тайёрлаш лозимлигидир.

Бугунги кунда касб-хунар таълими янги таълим парадигмасига мос келиш учун, таълим олувчиларни мақсадли равишда ижодий шахс сифатида шакллантиришни ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнида таълим олувчини нафақат ижтимоий-касбий билимлар билан таъминлаш, балки унда танлаган касбига хос сифатлар шаклланишига ҳам ёрдам бериш лозим.

Жаҳон тажрибасига кўра кучли рақобатга бардошли бўлиш учун бўлажак мутахассис компетенциявий талабларга жавоб бериши лозим. Ҳозирда ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиши, уни изчил равишда ривожлантириб бориши талаб этилмоқда.

Н.А.Муслимовнинг таъкидлашича, компетенциявий нуқтаи назаридан ёндашув касб таълимини такомиллаштириш асосларидан биридир. Бугунги кунда фақат у ёки бу технологик операцияни бажариш кўникмаларидан иборат бўлган касбий маҳорат эмас, балки касбий маҳорат, ижтимоий ахлоқ, жамоада ишлаш қобилияти, ташаббускорлик каби касбий ва шахсий сифатлар йиғиндисидан иборат бўлган компетентлилик талаб этилади<sup>5</sup>.

Кейинги вақтларда рақобатбардош кадрлар тайёрлашда “малакали кадр” атамасидан “компетенцияга эга кадр” атамасидан фойдаланишга ўтиш юз бермоқда, чунки “компетенция” атамаси рақобатбардош кадр тушунчасини анча аниқроқ ифодалайди, бинобарин турли компетенциялар тизими ёки йиғиндиси, ҳозирги замон мутахассисининг малакаси мазмунининг асосий қисмини ташкил этади.

Касб-хунар таълимга оид илмий адабиётлар ва тадқиқот ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш натижасида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш нуқтаи назаридан бўлажак мутахассиснинг компетентлиги таснифи ва уларнинг мазмуни келтирилди (1-жадвал). Касб-хунар таълимига компетенциявий ёндашувни жорий этиш мутахассислар тайёрлашни сифат жиҳатдан ўзгартиришига олиб келади. Бошқача айтганда, компетенциявий нуқтаи назардан ёндашувдан асосий мақсад умумий ва махсус компетенцияларни тўлиқ эгалланган, ўз соҳасининг етук (компетентли) мутахассисни шакллантиришдир.

## 1-жадвал

### Бўлажак мутахассиснинг компетентлиги таснифи ва мазмуни

---

<sup>5</sup> Муслимов Н.А., Кўйсенов О.А., Абдуллаева К., Гаипова Н., Каримова Н., Қодиров М. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. Монография. Т.: “Фан ва технология”, 2013. - 128 б.

<b>Мутахассис эгаллаши керак бўлган умумий компетентлик</b>		<b>Мутахассис эгаллаши керак бўлган касбий компетентлик</b>	
Индивидуал компетенция	Изчил равишда касбий ривожланишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.	Касбий билимлар	Ўз касбига оид назарий ва амалий билимларни эгаллаш, касбнинг моҳиятини ва ижтимоий салоҳиятини тушуниш, унга барқарор қизиқишни намоён этиш.
Ахборот компетенцияси	Касбий билимларини ахборотлар билан тўлдириш ва амалда қўллай олиш, ахборотларни таҳлил этиш, ахборотларни таълим мазмунига мослаш, ахборотларга баҳо бериш, ахборот маълумотларига ижодий ёндашиш.	Касбий аҳамиятли кўникмалар ва қобилиятлар	Технологик жараёнларни бажариш кўникмаси, Касбий масалаларни ечиш қобилияти. Ўз касбий фаолиятини таҳлил қилиш кўникмаларининг шаклланганлиги.
		Технологик компетенция	Ўзининг касбий фаолиятида замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш қобилияти.
Ижтимоий компетенция	Ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.	<b>Касбий сифатлар</b>	
		Касбий аҳамиятга эга психологик сифатлар	Меҳнат фаолиятига доимий ўзини такомиллаштириш психологик тайёргарлик ва ўз-ўзини ривожлантиришга тайёрлик. Ўзининг ҳиссий ҳолатини бошқариш қобилияти.
Коммуникатив компетенция	Жамоада мулоқот ўрната олиши, ахборотни тўғри қабул қила олиши ва тўғри етказа билиши, интернет тармоғида мулоқотга кириша олиши.	Касбий муҳим сифатлар	Ташаббускорлик, интизомлилик, кузатувчанлик. Ишчанлик, мобиллик, жисмоний зўриқишларга чидам ва тез тикланувчанлик, стрессга чидамли мутахассис.
Ўз-ўзини такомиллаштиришга тайёр туришлик	Зарур бўлганда ўз касбини, малакасини ўзгартира олиш қобилияти, билим ва кўникмаларини мустақил эгаллаш қобилияти.	эстремал вазиятларга тайёрлик	фавқулотда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик.
Ўзини намоён қила олиш	Касбий фаолиятда ўзини кўрсата билиш, презентациялар, кўргазмалар уюштира олиш.		
<b>Танланган касб бўйича таянч компетенциялар</b>			

Танланган касб бўйича таянч билимлар	Танланган касб бўйича таянч, кўникмалар	Танланган касб бўйича таянч малакалар	Мустақил ўз ўзини ривожлантира қобилиятлари олиш
--------------------------------------	---	---------------------------------------	--

Диссертациянинг “**Касб-хунар таълимида компетенциявий ёндашув асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш методикаси**” деб номланган иккинчи бобида касб-хунар таълимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш модели, инновацион ва ахборот технологияларидан интегратив фойдаланиб ўқитиш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг дидактик имкониятлари, касб-хунар коллежларида касбий компетентликни шакллантиришга қаратилган инновацион таълим технологиялари орқали ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш методикаси ёритиб берилган.


Касб-хунар таълимида бутун таълим жараёнини мақсадга мувофиқ ҳолда аниқ режа асосида ташкил қилиш рақобатбардош кадрлар тайёрлашни муҳим шартидир. Шу нуқтаи назардан тадқиқот давомида касб-хунар таълимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш модели такомиллаштирилди (1-расм).

Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш моделини такомиллаштиришда биз томондан ўхшаш лойиҳаларни ўрганиш, шунингдек, касбий таълимда тайёрланадиган рақобатбардош кадрларнинг сифатлари, белгиларини аниқлаш мақсадида, касбий педагогика соҳасидаги адабиётларнинг таҳлили амалга оширилди.

Касб-хунар таълимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш модели куйидаги компонентлардан ташкил топган: таълим мақсади (айни жараённинг мақсад ва вазифалари), ташкилий жараён, мазмун, педагогик жараён, натижа. Таълим мақсади компонентида давлат таълим стандартлари, тармоқ таълим стандартлари талаблари асосида ҳамда иш берувчи талабларига мос рақобатбардош кадр тайёрлаш кўзда тутилган. Ташкилий жараён компонентида таълим вазифалари куйидагича белгилаб олинди: умумкасбий ва махсус фанларни амалиётга йўналтириш, ўқув амалиёти ва ишлаб чиқариш амалиётида таълим муҳитини шакллантириш орқали компетенцияларни ривожлантириш.

Ташкилий жараённинг муҳим омиллари сифатида таълим муассасасининг рақобатбардош кадр тайёрлаш стратегиясини ишлаб чиқиш, рақобатбардош кадр эгаллаши керак бўлган компетенциялари мазмунини аниқлаш, махсус фанлар ва ишлаб чиқариш амалиётларининг ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқиш назарда тутилади.

Моделнинг мазмун компонентида касбий фаолиятга тайёрлаш мазмунини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштиришда рақобатбардош кадр эгаллаши керак бўлган компетентликлар асос қилиб олинди. Педагогик жараён компонентида инновацион таълим технологиялари ва ахборот технологияларидан интегратив фойдаланиб ўқитиш асос қилиб олинди.



**1-расм. Касб-хунар таълимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш модели**

Натижавий–баҳолаш компонентида касбий компетенцияларни шаклландириш даражасини баҳолашнинг мезонлари танланди.

Таълим жараёнида инновацион ва ахборот технологияларини қўллашнинг асосий мақсади ўқувчиларни дарс жараёнида билимларни тез ўзлаштириб олишлари, уни мустақамлаш ва турғунлигини таъминлашдан иборат. Шу сабабли бугунги кунда касб-ҳунар таълими муассасаларида имкон қадар замонавий компьютер воситалари, ахборот технологиялари ва инновацион таълим технологияларнинг интеграциясидан фойдаланиб ўқув жараёнини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан яна бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида мақсадга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, таълим олувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, малакалар даражасини баҳолаш, ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни талаб этади.


Биз томонимиздан касб-ҳунар коллежларининг 310600 – “Ер усти транспорт тизимлари ва улардан фойдаланиш” тайёрлов йўналиши, “3310603 – Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик” касби бўйича ўқув режага киритилган фанлар мазмуни, фанларни компетенцияларни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти, ҳозирда мавжуд педагогик тизим, таълим жараёнида қўлланиладиган таълим шакллари, метод ва воситалари таҳлил қилинди. Олиб борилган таҳлилларга асосланиб “Автомобилларда ташиш” махсус фанини ўқитишда инновацион ва ахборот технологияларидан интегратив фойдаланишнинг ташкилий-дидактик тузилмаси ишлаб чиқилди (2-расм).

Инновация таълим технологиялари ва ахборот технологияларидан интегратив фойдаланиш:

- “фан - таълим - амалиёт” узвийлигини таъминлайди;
- инновация таълим технологиясининг мақсади, мазмун-моҳияти, муҳим белгилари, уларнинг услубий ва ахборот-дидактик таъминотлари ҳамда имкониятлари бўйича батафсил маълумот беришга асослар етарли бўлади;
- анъанавий таълим методларидан фойдаланишда инновацион ёндашув асосида ахборот технологиялардан фойдаланишнинг янги кўринишларини қўллаш таълим самарадорлигига эришишга асос бўлади;
- инновацион таълим технологиясидан фойдаланишда ахборот технологиялари орқали ўзгартиришлар киритиш, ўхшаш манбаларни ўрганиш ҳамда фойдаланиш мумкин.

Бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда ишлаб чиқариш амалиёти бўйича машғулотларни самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш амалиёти назарий таълим жараёнида ўрганилган умумкасбий, махсус билимлар асосида иш усуллари ва






**2-расм. Махсус фанларни инновацион ва ахборот технологияларидан интегратив фойдаланиб ўқитишнинг дидактик имкониятлари**

операцияларини амалий бажариш бўйича касбий компетентликни шакллантириш мақсадида амалга оширилади.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқариш амалиётларида янги иш жойига мослашиш, амалиётда иш жараёнига бўлган мотивацияни ошириш, касбий компетентликни шакллантиришга қаратилган, хорижий давлатларда персонални рақобатбардошлилигини таъминлашда кенг қўлланиладиган “Story Telling”, “Basket”, “Shadowing” инновацион таълим методлари асосида ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш методикаси ҳамда тузилмасини ишлаб чиқилди (3-расм).



**3-расм. Инновацион таълим методларни қўллаш орқали ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш тузилмаси**

Шунингдек “Автокорхона техника хавфсизлиги қоидаларини ўрганиш. Меҳнат муҳофазаси, ёнғин хавфсизлиги, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича маълумотлар бериш. Автокорхона ички тартиб-қоидаларини ўрганиш.

Автокорхона ва унинг бўлимлари билан танишиш” мавзуси бўйича Basket методини қўллаш технологияси ишлаб чиқилди.

Story Telling (инг.хикоя қилиш) - бу метод орқали ўқувчиларни ишлаб чиқариш амалиёти ўтказиладиган автокорхона билан таништириш, эришилган ютуқлар, корхонадаги иш жараёнини қизиқарли хикоя тарзда етказиш мумкин.

Basket (инглизча - сават) методи бу амалий таълимда яхши самара берувчи, гуруҳларда ишлаш бўйича кўникмаларни ҳосил қилувчи, касбий компетентлик ва шахсий сифатларни шакллантиришга, муаммоли вазиятларни жамоа бўлиб ҳал этишга ундовчи интерфаол таълим методидир.

“Shadowing” методи ғарбда, хусусан Буюк Британияда профессионал таълимда фаол қўлланилади. Бу метод таълимда асосан битирувчиларнинг диплом олди амалиётларида, янги ишга келган ходимларни иш жойига мослаштиришда, касбий билим кўникма ва малакаларни такомиллаштиришда, шахсий сифатларни жумладан ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини баҳолаш, мустақил иш юритишга, танқидий таҳлил қилишга ўргатишда яхши самара беради.

Касбий компетентликни шакллантиришда ишлаб чиқариш амалиётининг ташкил этиш йўллари тўғри танлаш бўлажак кадрларда касбий компетентликни ошишига асос бўлади.

Диссертациянинг **“Касб-ҳунар таълимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш бўйича тажриба-синов ишлари ва таҳлили”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларининг қўйилиши, ўтказилган тажриба натижалари ва уларнинг таҳлили келтирилган.

Тажриба-синов ишларида Тошкент тумани Транспорт ва Сервис касб-ҳунар коллежидан 172 нафар ўқувчи, Тошкент Транспорт касб-ҳунар коллежидан 122 нафа ўқувчи, Шайхонтоҳур Транспорт касб-ҳунар коллежидан 184 нафар ўқувчи, Тошкент вилояти Янгийўл Транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежидан 50 нафар ўқувчи қатнашди. Жами 528 нафар респондент жалб этилди.

Тажриба-синов ишлари икки хил методикадан фойдаланган ҳолда ўтказилиб, иккала гуруҳ ўқувчиларининг касбий компетентлик даражалари таққосланди. Шунингдек, ишлаб чиқариш амалиёти мазмуни, ўтказиш шарт-шароитлари, методлари танланди. Ўқувчиларни ишлаб чиқариш амалиётига тайёрлашдан олдин ўқувчиларни умумкасбий ва махсус фанлардан олган билимлари асосида касбий компетентлигини шаклланганлик даражасини бошланғич ҳолатини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу таълим жараёнининг барча томонларини ойдинлаштиришга хизмат қилади, ташхислаш ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: – назорат: аниқлаш, ўлчаш, баҳолаш; – статистик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш; – ўзгаришлар ва мақсадларни аниқлаш; – воқеаларнинг кейинги ривожланишини олдиндан айтиш. Тажриба-синов давомида ишлаб чиқариш амалиётлари “Story Telling”, “Basket”, “Shadowing” каби методлар орқали ташкил этилди. Касбий компетентлик даражасини аниқлашда репродуктив, продуктив, қисман-


изланишли, ижодий (креатив) даражадаги тест саволлари, уч даражали топшириқлар тўплами, яъни 1-даража – жуда оддий касбий топшириқлар; 2-даража – қийинлиги ўртача касбий топшириқлар; 3-даража – қийин касбий топшириқлар ишлаб чиқилди.

Тажриба синов ишларини яқунловчи босқичида тажриба-синов ва назорат гуруҳларидан якуний натижалар олинди ва қиёсий таҳлил қилинди (2-жадвал).

2-жадвал

**Ўқувчиларни касбий компетентликлари даражасининг умумий натижалари**

Компетентлик даражаси	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
	Тажриба бошида		Тажриба охирида		Тажриба бошида		Тажриба охирида	
	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
Юқори	41	15,77	69	26,75	43	16,04	42	15,73
Ўрта	92	35,38	128	49,61	76	28,36	95	35,58
Паст	127	48,85	61	23,64	149	55,60	130	48,69
<b>Жами</b>	<b>260</b>	<b>100</b>	<b>258</b>	<b>100</b>	<b>268</b>	<b>100</b>	<b>267</b>	<b>100</b>



**4-расм. Назорат ва тажриба-синов гуруҳларидаги ўқувчиларнинг касбий компетентлик даражалари динамикаси**

Тажриба гуруҳларида тажриба бошида 15,77% ўқувчи юқори даража кўрсатган бўлса, тажриба охирида 26,75% ўқувчи юқори даражага эришди, назорат гуруҳларида тажриба бошида 16,04% ўқувчи юқори даража кўрсатган бўлса, тажриба охирида 15,73% ўқувчи юқори даражани кўрсатди;

ўрта даражадаги ўқувчилар сони тажриба гуруҳларида тажриба бошида 35,38% бўлган бўлса, тажриба охирида бу кўрсаткич 49,61% ни ташкил этди, назорат гуруҳларида тажриба бошида бу кўрсаткич 28,36% бўлса, тажриба охирида 35,58 % га ошди;

паст даражадаги ўқувчилар сони тажриба гуруҳларида тажриба бошида 48,85% дан 23,64 % га камайди, назорат гуруҳларида эса 55,6% дан 48,69% га камайди.

Олинган сонли маълумотларни математик-статистик таҳлил қилишда Стюдентнинг танлама мезони, К.Пирсоннинг мувофиқлик критерийси, Лаплас функциясидан фойдаланилди.

Бунда ўзлаштириш кўрсаткичи:  $\bar{X} = 4$ ;  $\bar{Y} = 3,7$ ; вариация кўрсаткичлари  $\delta_n = 0,17$ ;  $\delta_m = 0,19$  га тенг.

Самарадорлик кўрсаткичи қуйидагича аниқланади:

$$K_{yob} = \frac{(\bar{X} - \delta_n)}{(\bar{Y} + \delta_m)} = \frac{4 - 0,17}{3,7 + 0,19} = \frac{3,83}{3,89} = 0,98 > 0;$$

Билиш даражасини эса қуйидаги формула билан аниқланди:

$$K_{ob} = (\bar{X} - \delta_n) - (\bar{Y} - \delta_m) = (4 - 0,17) - (3,7 - 0,19) = 3,83 - 3,51 = 0,32 > 0;$$

Олинган натижалардан самарадорлик кўрсаткичининг баҳолаш мезони бирдан катталиги ( $K_{yob} = 0,98 > 0$ ) ва билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катталигини ( $K_{ob} = 0,32 > 0$ ) кўриш мумкин. Бу эса эришилган самарадорлик статистик жиҳатдан тўғри дейишимизга асос бўлди.

## ХУЛОСАЛАР

Тадқиқот доирасида биз томонимиздан ўтказилган назарий ва амалий изланишлар қуйидаги хулосалар қилиш имконини берди:

1. Касб-хунар коллежларида янгича фикрловчи, замонавий техника ва технологияларни моҳиятини яхши тушуна оладиган, замонавий меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган касбий компетентликка эга рақобатбардош кадрлар тайёрлаш долзарб вазифалардан бири эканлиги асосланди.

2. Компетенциявий ёндашув асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда ватанимиз ва хорижлик педагог олимларнинг фикрлари ўрганилиб, таълим соҳасининг иқтисодийёт билан интеграциялашуви асосида бозор муносабатларини жорий этишнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тасвирловчи “рақобат”, “рақобатбардошлик”, “рақобатбардош мутахассис”, “рақобатбардош кадр” тушунчалари мазмуни педагогик нуқтаи назардан очиқ берилди. Шунингдек, касб-хунар таълим муассасасини битирувчиси компетентлиги таснифи ва эгаллаши керак бўлган компетентликлар мазмуни ёритиб берилди.

3. “Ер усти транспорт тизимлари ва улардан фойдаланиш” тайёрлов йўналиши, “3310603 – автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик” касби бўйича ўқув режасидаги умумкасбий ва махсус фанларининг мазмунини таҳлил қилиш асосида умумкасбий ва махсус фанлар орқали эгаллаши лозим касбий билим ва кўникмалар бўлажак мутахассиснинг касбий компетентлигини шакллантиришда ҳамда рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилди.

4. Рақобатбардош кадрларнинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг муҳим омилларидан бири ишлаб чиқариш таълими

жараёнини самарали ташкил этиш эканлиги, ўқувчиларни умумкасбий ва махсус фанлардан олган билим, кўникма ва малакаларини айнан ишлаб чиқариш амалиётларида амалда қўллаш имкониятлари яратилиши асослаб берилиб, бунда машғулот жараёнини инновацион таълим методлари орқали ташкил этиш зарурияти мавжудлиги асосланди.

5. Ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказишда ўқувчиларда мотивацияни ошириш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини баҳолаш, мустақил иш юритиш, танқидий таҳлил қилиш, гуруҳларда ишлаш бўйича кўникмаларни ҳосил қилиш ҳамда касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган, муаммоли вазиятларни жамоа бўлиб ҳал этишга ундовчи инновацион таълим методларидан (Story Telling, Basket, “Shadowing”) фойдаланиш ва унинг босқичлари учун вақт меъёрларини тўғри тақсимлаш лозимлиги аниқланди.

6. Тажриба-синов ишлари давомида ишлаб чиқилган ишланмалар, инновацион методлар ва технологияларнинг самарадорлиги математик-статистик таҳлиллар натижасида исботланди.

**Компетенциявий ёндашув асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш методикасини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар:**

касб-ҳунар коллежларида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда аввало коллежнинг ўзи рақобатбардош бўлиши, ўз имиджи ва мавқеига эга бўлиши, таълим сифати ва самарадорлигига эришиши лозим, бунда мутахассислар тайёрлаш жараёнини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш зарур;

бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантиришга қаратилган ДТСлар, ТТСлари ўқув режа ва ўқув дастурлар, ўқув-услубий қўлланмалар, тавсиялар, электрон таълим ресурслари ва ишланмалар яратилса мақсадга мувофиқ бўлади;

касб-ҳунар таълимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда умумкасбий ва ихтисослик фанларни ўқитишда ҳамда ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини мустақил, амалий фаолиятга йўналтирувчи инновацион таълим методлари асосида ташкил этишни такомиллаштириш зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc. 27.06.2017. Ped. 48.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ  
ИННОВАЦИЙ, ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ  
КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДЯЩИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ  
КАДРОВ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**КАРИМОВ АБДУЖАМИН АБДУДЖАЛИЛОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ПОДГОТОВКИ  
КОНКУРЕНТОСПОСОБНЫХ КАДРОВ В ОСНОВЕ  
КОМПЕТЕНТНОСТНОГО ПОДХОДА В ПРОФЕССИОНАЛЬНОМ  
ОБРАЗОВАНИИ**

**(На примере подготовки специалистов “Наземные транспортные системы и их  
использование” (по видам транспорта))**

**13.00.05 – Теория и методика профессионального образования**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.4.PhD/Ped550**

Диссертационная работа выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации выполнен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) и размещен на веб-сайте Научного совета ([www.vocedu.uz](http://www.vocedu.uz)), а так же на информационно-образовательном портале "ZiyoNET" ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Джураев Рисбой Хайдарович**  
доктор педагогических наук, академик

**Официальные оппоненты:**

**Хамидов Жалил Абдурасулович**  
доктор педагогических наук, доцент

**Химматалиев Дустназар Омонович**  
доктор педагогических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Наманганский инженерно-строительный институт**

Защита диссертации состоится "16" 12 2019 года в 10 часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Ped.48.01 при Институте педагогических инноваций, переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования (адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом, Тел.: 246-92-17, факс: 246-90-37, E-mail: [moqt@markaz.uz](mailto:moqt@markaz.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Институте педагогических инноваций, переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования под номером 18. (Адрес: 100095, город Ташкент Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом, Тел.: 246-92-17, факс: (+998 71) 246-90-37).

Автореферат диссертации разослан "14" 12 2019 года.  
(реестр протокола рассылки № 28 от 14.12 2019 года).



**Ш.Э.Курбанов**

Председатель научного совета  
присуждающий учённую  
степень д.п.н., профессор

**С.Ю.Ашурова**

Учёный секретарь Научного  
совета присуждающий учённую  
степень к.п.н., доцент

**К.Т.Олимов**

Председатель научного семинара  
при Научном совете присуждающий учённую  
степень д.п.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На мировом уровне проводятся глубокие экономические и социальные реформы, инновационное развитие экономики, глобализация международного рынка труда, которые направлены на повышение качества образования в системе подготовки профессиональных кадров, подготовку конкурентоспособных сотрудников в соответствии с требованиями современного рынка труда, внедрение компетентного подхода к образовательному процессу и использование форм и методов обучения. Например, в значимых исследовательских центрах таких как, Manchesters University (Англия), National Advice on Pedagogical Technology (Англия), Belfield Pedagogical University (Германия) были достигнуты практические результаты по созданию качественной образовательной среды при компетентном подходе. Это в свою очередь подразумевает интенсивное усовершенствование педагогических процессов, способствующих развитию инновационных методов обучения и профессиональной компетенции для подготовки конкурентоспособных кадров.

На сегодняшний день в мировой практике для обеспечения рынка труда будущими конкурентоспособными кадрами образовательные учреждения изучают и анализируют требования рынка труда в целях оптимальной организации учебного процесса, развития компетентности и подготовки конкурентоспособных кадров, интенсивно расширяя возможности педагогических технологий. Это требует повышения качества преподавания в учебных заведениях, внедрения современных образовательных стандартов, основанных на компетентном подходе, совершенствования научно обоснованных рекомендаций по внедрению современных форм и инструментов обучения в результате интеграции информационных и инновационных технологий.

Современный этап модернизации системы профессионального образования в нашей республике предъявляет новые требования к качеству и содержанию образования и его эффективности. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан была определена в качестве важного приоритета «для дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, расширения возможностей для качественных образовательных услуг и продолжения политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными требованиями рынка труда»<sup>1</sup>. Исходя из этой точки зрения важно обеспечить педагогические условия для совершенствования конкурентоспособных технологий в профессиональных колледжах и внедрения инновационных методов обучения.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2017. – Б.39.

Наша диссертация служит реализации таких нормативно-правовых документов как Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы профессионального образования» от 6 сентября 2019 года ПФ-5812, «Стратегия действий для дальнейшего развития Республики Узбекистан» принятой 7 февраля 2017 года, ПФ-4947, Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 6 апреля 2017 года № 187 «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования» и др.

**Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике.** Данное диссертационное исследование проводилось в рамках I. «Нравственное-культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики». приоритетного направления, направленного на развитие науки и технологий в республике.

**Степень изученности проблемы.** Проблемы профессионального образования, направление будущих специалистов в профессию, подготовка к профессиональной деятельности, обучение профессии, а также актуальные вопросы формирования и развития профессиональных качеств, были исследованы учёными нашей страны, таких как Р.Х.Джураев, Ш.Э.Курбонов, У.И.Иноятов, А.Р.Ходжабаев, З.К.Исмаилова, Н.А.Муслимов, К.Т.Олимов, О.Т.Туракулов, Ж.А.Хамидов, Д.О.Химматалиев, О.А.Куйсинов<sup>2</sup>.

Исследованиями посвященными изучению развитию личности и подготовки конкурентоспособных кадров, занимались: Р.Х.Джураев, О.А.Абдукудусов, М.С.Алимов, С.Я.Батишев, Л.В.Голиш, Х.Ф.Рашидов, С.Ю.Махмудов, А.А.Юлдашев и др. также зарубежные учёные, Р.Я.Ахметшин, Г.А.Боровик, М.А.Виноградова, А.А.Герниченко<sup>3</sup>.

Ученые стран СНГ, которые в своих исследованиях изучали вопросы компетентного подхода в образовании, это: В.А.Адольф, А.С.Белкин, И.В.Гришина, А.А.Деркач, Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, Н.В.Кузьмина, А.С.Маркова, а так же А.В.Хуторский.

Проблемами формирования, развития и диагностики профессиональных компетенций в профессиональном образовании занимаются: Н.А.Муслимов,

---

